



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Зарбдор туман ҳокими

2023 йил "25" январь

**“Зарбдор тумани автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги ДХШ лойиҳасининг концепцияси**

**I. Лойиҳанинг тавсифи**

<b>Лойиҳанинг номи:</b>	“Зарбдор тумани автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида”
<b>Тармоқ номи:</b>	Ахборот-коммуникация технологиялари
<b>Лойиҳа тури:</b>	Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Битим (кейинги ўринларда ДХШ тўғрисидаги Битим) асосида: автомобиль йўлларда ва чорраҳаларда ўрнатилган йўл ҳаракати қоидалари бузилишларини бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган ва мослаштирилган дастурий таъминот асосида йўл ҳаракати қоидалари бузилишларини қайд этувчи ускуналаридан фойдаланиш, уларни ривожлантириш ва уларга техник хизмат кўрсатиш.
<b>Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми</b>	Автомобиль йўлларда ва чорраҳаларда ўрнатилган йўл ҳаракати қоидалари бузилишларини бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган ва мослаштирилган дастурий таъминот асосида йўл ҳаракати қоидалари бузилишларини қайд этувчи ускуналаридан фойдаланиш, уларни ривожлантириш ва уларга техник хизмат кўрсатиш.
<b>Давлат шеригининг номи:</b>	Зарбдор туман ҳокимлиги
<b>Лойиҳа амалга ошириладиган жой (вилоят, туман, шаҳар):</b>	Жиззах вилояти, Зарбдор тумани

**II. Дастлабки танлов натижалари**

ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 10-майдаги 537-сонли “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси

<p>Президентининг 2022-йил 4-апрелдаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сон Қарорини инобатга олган ҳолда. йўл ҳаракати бошқарувини тўлиқ рақамлаштириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда янги бошқарув ва бошқариш тизимларини қўллаш, рақамли чорраҳани жорий этиш бўйича бошқарув тизими, Давлат шериги томонидан Зарбдор тумани автомобил йўлларида инсонларнинг ишончли хавфсизлигини таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш бўйича мазкур Концепция ва Лойиҳани баҳолаш ҳужжати ишлаб чиқилди.</p>
<p>Таклиф этилаётган лойиҳа жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг даражасини оширишга, шунингдек, йўлларда хавфсизликни таъминлашга, йўл ҳаракати соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган замонавий самарали тизимни жорий этишга қаратилган. Зарбдор туманидаги муассасалар негизида юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни прогноزلаш, мониторинг қилиш, олдини олиш ва бартараф этишни таъминлайдиган яхлит ахборот тизимини жорий этиш орқали ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун масъул бўлган мутасадиллар ва хизматларнинг мувофиқлаштирилишини сезиларли даражада яхшилаш мақсадида рақамли технологияларни жорий этиш; шунингдек, Зарбдор туман ҳокимлиги манфаатлари йўлида навбатчилик, диспетчерлик, шаҳар хизматлари бўйича ахборот-назорат қўйи тизимларининг ҳаракатлар тизими назорати остида интеграциялашган ҳолда фавқулудда вазиятлар ва ҳуқуқбузарликлар оқибатларини бартараф этиш устидан назоратни амалга оширади.</p>
<p>Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 4-апрелдаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190 Қарори асосида, бир босқичли тендер жараёни ўтказилади. Жараён якунлари бўйича Давлат шериги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузади.</p>

### III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

	Қўшимча маълумотлар
1.	<p>Лойиҳанинг ЛБХ/ТИА/ТИХҚ мавжудлиги:            Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>            Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</p>
2.	<p>Лойиҳа қуйидагилардан бирига киритилган бўлса:            Инвестиция дастури <input type="checkbox"/>            Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори <input checked="" type="checkbox"/>            Вазирлар Маҳкамаси қарори <input type="checkbox"/>            Бошқа <input type="checkbox"/>            Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг:            Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 4-апрелдаги “ Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сон қарорини амалга оширишга қаратилган.</p>
3.	<p>Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми?</p>



Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/>					
4.	<p>Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг:</p> <p>ДХШ объектидан фойдаланган ҳолда Хусусий шерик томонидан тақдим этиладиган комплекс хизматлар қуйидагиларга бўлинади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ускунанинг техник параметрларининг тўлиқ рўйхатини белгилаш учун йўл инфратузилмасини таҳлил қилиш;</li> <li>- Маълумотларни таҳлил қилиш - ишлаб чиқилган ва мослаштирилган дастурий таъминот асосида йўллар ва чорраҳаларда ўрнатилган йўл ҳаракати қоидаларини бузишни аниқлаш учун махсус ускуналарни ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, шунингдек ушбу ускуналардан олинган маълумотларни умумлаштириш, индивидуал ва / ёки мураккаб таҳлилий ҳисоботларни тақдим этиш;</li> <li>- ДХШ битимига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бўйича бошқа хизматлар</li> </ul>				
5.	а) Капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар суммаси (АҚШ долларларида): 998 минг АҚШ долларлари	б) Эксплуатация харажатлари миқдори (АҚШ долларларида): эксплуатация харажатлари миқдори лойиҳа қийматиға киритилган	в) Умумий харажатлар (АҚШ долларларида): 998 минг АҚШ долларлари		
	г) ДХШнинг амал қилиш муддати: <b>10 йил</b> Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг: 3-10 <input type="checkbox"/> 11-20 <input type="checkbox"/> 21-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>	д) Лойиҳани амалга ошириш муддати: <b>10 йил</b> Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг: <10 <input type="checkbox"/> 10-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>			
6.	<p>а) Лойиҳанинг даромад манбасини кўрсатинг: Фойдаланганлик учун тўлов <input checked="" type="checkbox"/> Эркин фойдаланиш учун тўлов <input type="checkbox"/></p> <p>Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 10-майдаги ЎРҚ-537-сонли “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунига асосан: фойдаланганлик учун тўлов — товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчилардан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш доирасида хусусий шерик томонидан йиғиб олинган тўловлар</p>				
	<p>б) Фойдаланганлик учун тўлов/ Эркин фойдаланиш учун тўлов (АҚШ долларларида):</p> <p>Даромадлар тақсимотини кўрсатинг: Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов <input type="checkbox"/> Қўшимча фойда тақсимоти <input type="checkbox"/> Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни асосида тузилади.</p>				
7.	<p>в) ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг: Давлат ташаббускори <input type="checkbox"/> Хусусий ташаббускор <input checked="" type="checkbox"/></p>				
8.	Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг.				
	<b>Хавф ёки хатарлар турлари</b>	<b>Давлат шериги</b>	<b>Умумий</b>	<b>Хусусий шерик</b>	<b>Хатар тақсимоти асоси</b>
					<b>Изоҳ</b>

Лойиҳага тегишли хавф хатарлар		<input checked="" type="checkbox"/>		ДҲШ битими	
Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			<input checked="" type="checkbox"/>	ДҲШ битими	
Яширин нуқсон хавфи			<input checked="" type="checkbox"/>	ДҲШ битими	
Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ бўлган хатарлар	<input checked="" type="checkbox"/>			ДҲШ битими	
Молиявий хатарлар		<input checked="" type="checkbox"/>		ДҲШ битими	
Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлмаган)		<input checked="" type="checkbox"/>		ДҲШ битими	
Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлган)			<input checked="" type="checkbox"/>	ДҲШ битими	
Ишга тушириш билан боғлиқ бўлган хатарлар			<input checked="" type="checkbox"/>	ДҲШ битими	
Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)		<input checked="" type="checkbox"/>		ДҲШ битими	
Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар			<input checked="" type="checkbox"/>	ДҲШ битими	
Солиқ билан боғлиқ хатарлар			<input checked="" type="checkbox"/>	ДҲШ битими	
Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар		<input checked="" type="checkbox"/>		ДҲШ битими	
Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			<input checked="" type="checkbox"/>	ДҲШ битими	
Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари	<input checked="" type="checkbox"/>			ДҲШ битими	
Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки	<input checked="" type="checkbox"/>			ДҲШ битими	

	берилмаслиги хатарлари					
	Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши	<input checked="" type="checkbox"/>			ДХШ битими	
	Сиёсий беқарорлик хатарлари		<input checked="" type="checkbox"/>		ДХШ битими	
	Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар			<input checked="" type="checkbox"/>	ДХШ битими	
	Мулк конфискацияси			<input checked="" type="checkbox"/>	ДХШ битими	
	Операцион хатарлар			<input checked="" type="checkbox"/>	ДХШ битими	
	Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)		<input checked="" type="checkbox"/>		ДХШ битими	
	Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар			<input checked="" type="checkbox"/>	ДХШ битими	
	Талаб билан боғлиқ бўлган хатарлар			<input checked="" type="checkbox"/>	ДХШ битими	
9.	Хар бир босқич учун тахминий/ режалаштирилган санани кўрсатинг:					
		Сана				Сана
	а) ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш	<u>25 01</u> 2023 гача	д)	Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш	<u>01 06</u> 2023 гача	
	б) Лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқиш (масалан: тендер ҳужжатлари)	<u>01 04</u> 2023 гача	е)	Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш.		
	в) Дастлабки малакани аниқлаш (агар қўллаш мумкин бўлса, малакани аниқлаш талабномаси асосида - Request for Qualification, RFQ)		ё)	Молиявий яқунлаш		
	г) Ғолибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси - Request for Proposals, RFP)	<u>01 04</u> 2023 гача				
10	Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ <b>Тақдим этилмайди.</b> Лойиҳа бюджетдан молиялаштиришни назарда тутмайди					
11.	Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганда, бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал харажатлари ва бошқарув харажатлари киради)					



	<b>Тақдим этилмайди.</b> Лойиҳа бюджетдан молиялаштиришни назарда тутмайди.
12.	<p>Агар ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида етказиб бериладиган товарлар (кўрсатиладиган ишлар/хизматлар) нархи давлат бюджетида белгиланган харажатлар сметасидан ошиб кетса, лойиҳани ДХШ механизми асосида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб беринг:</p> <p><b>Тақдим этилмайди.</b> Лойиҳа давлат бюджетидан маблағ талаб этмайди.</p>
13.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилганми?          Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p> <p>Мамлакатимизда сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида кенг қамровли ташкилий-амалий ишлар амалга оширилди.</p> <p>Шу билан бирга, кўрилатган чора-тадбирларга қарамадан, ўлимга олиб келган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ҳали ҳам юқори бўлиб, автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.</p> <p>Жумладан, йўл инфратузилмасини ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш, ушбу соҳадаги қоидабузарликларнинг барвақт профилактикасига йўналтирилган самарали тизимни йўлга қўйиш, шунингдек, инсон омилини истисно қилувчи рақамли технологияларни кенг жорий этиш талаб этилмоқда. Камераларни ўрнатишга режалаштирилган йўл участкалари ускуналарни ўрнатиш учун зарур сифат хусусиятларига эга.</p> <p>2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, шунингдек, Янги Ўзбекистон шароитида автомобиль йўлларида инсон ҳаёти ва соғлигини ҳар қандай ҳодисалардан қафолатли ҳимоя қилиш мақсадида қуйидагилар мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб йўналишлари этиб белгиланди. Автомобиль йўллари инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг «пиёда — жамоат транспорти — велотранспорт — автотранспорт» устуворлиги асосида хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратиш; ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш, ҳар қандай қоидабузарлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш; йўл ҳаракати қоидалари асосларини болалиқдан сингдиришни йўлга қўйиш, ушбу амалиётни мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида жорий этиш; йўл ҳаракатини ташкил этишни тўлиқ рақамлаштириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилган ҳолда, янги бошқарув ва назорат тизимларини татбиқ қилиш.</p>
14.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?:          Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p> <p>Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини қафолатлаш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта</p>

ишлашни ташкил этиш ҳамда хуудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонида кўра жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, хусусан:

- Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш.
- Жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этган ҳолда фуқарони ички ишлар бўлимига текшириш учун олиб бориш амалиётидан воз кечиш.
- Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш, шу жумладан ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш.

15.

Ташаббус кўрсатилган лойиҳа инновацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаб бера оладими?

Ҳа  Йўқ

Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: Лойиҳани амалга ошириш, лойиҳани баҳолаш ҳужжатида кўрсатилган молиявий имтиёزلарга қўшимча равишда, қуйидагиларни таъминлайди:

1) Давлат шеригига:

- ✓ ахборот технологиялари ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлашдан фойдаланган ҳолда давлат ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш доирасида лойиҳаларни бошқариш бўйича илғор тажрибаларни жорий этиш;
- ✓ ақлли ва хавфсиз шаҳар воситаларининг сифати ва миқдорини ошириш учун илғор рақамли хизматлар ва платформаларни янада жорий этиш учун ахборот технологиялари инфратузилмаси ва экотизимини яратиш;
- ✓ тўпланган маълумотларни доимий инвентаризация қилиш ва тизимлаштириш механизминини шакллантириш ва жорий этиш;
- ✓ Турли тузилмалар маълумотлари, жумладан, турли манбалардан олинган маълумотларнинг катта массиви билан ишлашни таъминловчи ягона марказлаштирилган механизмни яратиш ва жорий этиш;
- ✓ давлат маълумотларини бошқариш соҳасида зарур илмий-тадқиқот ваколатлари ва технологик амалиётларни шакллантириш, шу жумладан, давлат маълумотларини бошқариш ва таҳлил қилиш соҳасида кадрларга бўлган эҳтиёжни баҳолаш;
- ✓ ўзгаришларни мониторинг қилиш механизмларини жорий этиш ва турли манбалардан олинган давлат маълумотларини доимий равишда солиштириш нуқтаи назаридан маълумотлар сифатини назорат қилишни жорий этиш;
- ✓ ўрнатилган кузатув камераларини, агар керак бўлса, келажакда умумий давлат рақамлаштириш тизимида, шунингдек, адаптив светофорларга интеграция қилиш имконияти.

2) хусусий шерикга:

- ✓ узоқ муддатли, қайтарилмаган инвестициялар;
- ✓ кўрсатиладиган хизматлар тури, тартиби ва нархини мустақил равишда белгилаш;
- ✓ ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида тўпланган тажрибани минтақавий ва миллий миқёсда жорий этиш.



16.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни жорий этиш назарда тутилганми?          Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>          Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p> <p>Лойиҳани амалга ошириш натижаси қуйидагилардан иборат:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>❖ Зарбдор туманида вазият марказини жойлаштириш ва жиҳозлаш.</li> <li>❖ Ақлли рақамли чорраҳаларни жорий этиш.</li> <li>❖ Қоидабузарликларни автоматик равишда аниқлаш учун комплексларни ўрнатиш ва жорий қилиш.</li> <li>❖ Кадрлар тайёрлаш.</li> </ul>
17.	<p>Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?          Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/>          Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, керакли ер участкаси майдонини кўрсатинг (га.):</p>
18.	<p>а) Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми? Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/>          Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг:          Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.          Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар кутилмайди.</p> <p>б) Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми?          Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/>          Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг.          Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.          Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар кутилмайди.          Ускуна утилизация қилинмайди, чунки шикастланган ёки ишдан чиққан модуль алмаштирилади</p>
19.	<p>Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқари) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳамжларини кўрсатинг:</p> <p>Сув таъминоти объектларини қуриш <input type="checkbox"/>          Газ таъминоти объектларини қуриш <input type="checkbox"/>          Электр таъминоти қурилмаларига уланиш <input type="checkbox"/>          Кириш йўллари <input type="checkbox"/>          Транспорт боғланиши <input type="checkbox"/>          Бошқа <input type="checkbox"/>          Тақдим этилмайди <input checked="" type="checkbox"/>          Давлат шериги томонидан ДХШ лойиҳасидан ташқари қўшимча иш талаб этилмайди.</p>
20.	<p>Манфаатдор томонларни санаб ўтинг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) Жиззах вилояти Зарбдор туман ҳокимлиги;</li> <li>2) Хусусий шерик</li> </ol>
21.	<p>Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менежери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг.</p>



Маъсул этиб тайинланган шахс	Давлат шериги Зарбдор туман ҳокимлиги
Ф.И.Ш.:	Нуралитов Қимзбек Бахтиерович
Лавозими:	Зарбдор туман Хокими биринчи ўринбосари
Тел.:	99 555 3330
Электрон почта манзили:	

<b>“КИРИТИЛДИ”</b>
<p>Хусусий шерик</p> <p><b>“TRANSPORT OQIMI NAZORATI” МЧЖ</b></p> <p>Бош директори</p>

(В.С.Ирамонов)
<p>“ 25 ” <u>январь</u> 2023 й.</p>